

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИДА ОИЛАДАГИ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Термиз ДУ “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси катта
ўқитувчиси

Мақсуда Норбошева

Резюме

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг шахс сифатида шаклланишида оиладаги шахслараро муносабатларнинг ўрни ҳамда мактабгача ёшдаги болада ўзига нисбатан муносабат ота-она билан мулоқоти таъсири остида шаклланиши илмий кузатувлар ва экспериментал тадқиқотлар асосида ўрганилганлиги батафсил ёритилган.

Резюме

В этой статье подробно описывается роль межличностных отношений в формировании личности детей дошкольного возраста и формирование отношения к своей личности у детей дошкольного возраста под влиянием общения с родителями на основе научных исследований и экспериментальных опытов.

Resume

This article describes in detail the role of interpersonal relationships in shaping the personality of children of preschool age and attitudes in relation to their identity in children of preschool age under the influence of communication with parents on the basis of scientific research and experimental experiences.

Республикамизда мустақиллик йилларида инсон шахсига нисбатан бўлган муносабат кескин ўзгарди. Жамиятнинг аъзоси бўлган ҳар бир шахс тақдирига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Айниқса, инсон ҳаётининг келажагига тамал тоши қўйиладиган мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш, педагогика ва психология, ижтимоий психология ва мактабгача ёшдаги болалар психологияси фанларининг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бораётганлиги шубҳасиздир. Зотан, келажаги буюк давлатни бунёдга келтириш учун ҳар қандай давлатнинг фуқароси дастлаб оилада ва сўнгра мактабгача таълим муассасасида мукамал тарбияланиши, шахс сифатида тўлақонли шаклланиши имкониятларига эга бўлиши лозим бўлади. Зеро, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий

жихатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган, узлуксиз таълим тизими орқали, ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутлади. Шу жихатдан қараганда инсоннинг шахс сифатида шаклланишида узлуксиз таълимнинг бошланғич ва жоиз бўлса, асосий бўғинларидан бири ҳисобланган мактабгача таълим муассасаси муҳим ўрин тутлади.

Қолаверса, Ўзбекистонда кўплаб янги соҳалар қатори аҳолига психологик маслаҳатлар бериш ҳамда мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган тадқиқотларга бўлган муайян эҳтиёж тобора кўпроқ сезилмоқда.

Зеро, бундай хизматларга эҳтиёж бир томондан мактабгача ёшдаги болалар шахсини ривожлантиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, шу масканда тарбияланаётган болаларнинг руҳий ривожланишига ота-оналар томонидан кўрсатиладиган эътиборнинг самарасини белгилайди.

Боланинг психик жихатдан ўсишига ўзликни англаш, ўзини-ўзи баҳолаш ва ўзаро муносабатлар хусусиятлари муҳим ҳисобланади. Бу энг аввало инсон шахсининг психологик асосларини шакллантирувчи, унинг эмоционал-ҳиссий, интеллектуал, ижтимоий-психологик ривожланишига замин яратувчи онтогенезнинг дастлабки босқичларига тааллуқлидир. Бунда оиладаги муносабатлар, хусусан ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатнинг моҳияти, ўзаро шахслараро мулоқот катта роль ўйнайди.

Оиладаги шахслараро муносабатлар характериға кўра эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан шахслараро муносабатларига бўлинади. Биз никоҳ жуфтлиги ҳисобланган эр-хотин ҳамда фарзанд тарбиялаётган ота-оналарнинг мактабгача бўлган ёшдаги болалари билан муносабатларининг турли жихатларини экспериментал тадқиқ этдик.

Бизни мактабгача ёшдаги бўлган болаларнинг психологиясидаги шундай жихат эътиборимизни қаратдикки, улар айнан шу даврда ўз қизиқишлари, етакчи фаолияти бўлган сюжетли-ролли ўйинлардаги ҳаракатлари билан биргаликда ижтимоий дунёнинг, аввало, ота-она оиласидаги ролларга ва ўзаро муносабатларга эътиборли бўлиб, айнан ота-оналикка хос қилиқларни ўзлаштиришга киришадилар. Бола бунда унинг олдида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг кузатувчиси ва иштирокчисига айланиб, бу жараёнлар қанчалик динамик бўлса, шунчалик фаол ва қизиқувчан бўлади, ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларга нисбатан кўпроқ, тўлароқ ва турли-туман ахборотларни олади, ўзлаштиради ва фикрлайди. Бунда Оила бола Менини шакллантирувчи муҳим социум – ижтимоий муҳитга айланиб, ўзининг ушбу муҳитга алоқадорлигини англаш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ижтимоий психологларнинг

фикрича, оиладаги шахслараро муносабатлар тузилмасида “ота - она – бола” муносабатлари эволюцион жиҳатдан нисбатан кечки ва мазмунан аниқроқ ҳисобланади, чунки улар шаклланиб бўлган эр-хотин муносабатлари асносида вужудга келади.

Тадқиқотимиз давомида биз шунга ишонч ҳосил қилдикки, айнан никоҳ жуфтлигидаги эр-хотин муносабатлари боланинг ижтимоий тасаввурларида билвосита ифодаланган ота-оналик муносабатларига нисбатан мослашувчан ва динамик бўлиб, шу сабабли боланинг ота-она муносабатини акс эттириши унинг шахсида ифодаланган ўзгаришларга замин бўлади. Масалан, оналар ва оталарда ота-она муносабатининг умумий кўрсаткичлари мос келиш даражаси 0 дан 5 гача бўлган бир пайтда оилавий кадриятлар иерархиясида умумий кўрсаткичларнинг мос келмаслик даражаси 1 дан 11 гача, яъни ота-она муносабатларининг худди шундай кўрсаткичига нисбатан 2 барабар катта бўлди.

Оиладаги ички муносабатлар ва ота-онанинг болага муносабати таъсири остида шаклланувчи бирламчи ўзига муносабат, ўзини идентификациялашнинг барча кўринишларида ва коммуникатив фаолият субъекти сифатида боланинг бирламчи кичик ижтимоий гуруҳ сифатида оилада ўзини англаши ривожланишининг ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Бунда нафақат эр-хотин-ота-она ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг болага бўлган муносабати, балки айнан шу муносабатларнинг бевосита у билан мулоқотда акс эттирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мактабгача бўлган ёшдаги болада ўзига нисбатан муносабат ота-она билан мулоқоти таъсири остида шаклланиши исботланди, яъни, болалардан олинган маълумотлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, улардаги аксарият белги ва хислатлар аввало онасининг таъсирида шаклланади. Бу ёшда ўзини баҳолашга салбий таъсир кўрсатувчи ягона омил бу – ота-она, хусусан, онанинг фарзандига бўлган муносабатининг яхши эмаслигидир.

Масалан, бизнинг экспериментда, ўзини баҳолашда ўртача умумий баҳоси 3,8 баллга эга бўлган фақат битта бола «Мен ва менинг болам» проектив расмли тестида унинг онаси томонидан идентификация даражаси паст бўлганлиги учун шундай натижани берди. Бизнингча, фақат етарли даражада ота-она меҳридан баҳра олмаган болаларгина мактабгача бўлган ёшдаги болаликдаёқ ўз имконият ва қобилиятларини беқарор, ўта танқидий баҳолайди.

Бизнинг фикримизча, шубҳасиз, боланинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари камдан-кам ҳолларда нейтрал, баҳосиз характерга эга бўлиб, ўзига эмоционал-кадриятли муносабат билан боғлиқ бўлади. Бу эса мактабгача бўлган ёш давомида Мен-концепциясининг асосан аффектив, эмоционал-кадриятли таркибий қисмлари шаклланиши ва фақат бу даврнинг охирига

келибгина асосий эътибор когнитив соҳага ўтишидан далолат беради.

Бунда Мен-концепциясининг когнитив ва аффектив таркибий қисмлари ҳали бир-биридан ҳам, ички жиҳатдан ҳам унчалик дифференцияланмаган бўлиб, буни биз доимо эмоционал ижобий бўлган ўзини баҳолашни тадқиқ этишда кўрдик. Кўриб турибмизки, мактабгача бўлган ёшдаги боланинг Мен-концепцияси барча таркибий қисмларида (ўзини баҳолашни истисно қилганда) албатта жинс-роль бўйича тушунча мавжуд бўлиб, боланинг белгиланган жинс вакили сифатида ўзи ҳақидаги тасаввур намоён бўлади, яъни параллел равишда ўтувчи турли идентификация жараёнлари йиғиндиси бу ёшда, аввало, жинс бўйича идентификация билан боғлиқ, ёш бўйича идентификация корреляцияси $r = 0,65$, ижтимоий идентификация корреляцияси $r = 0,84$ ни ташкил қилади. Келтирилган материаллар бизга ўзини муайян жинс вакили сифатида жинсий ўзини англашнинг шаклланиши учун энг сензитив давр - мактабгача бўлган ёш даври деб ҳисоблашга имкон беради, бу давр давомида ушбу структура жадал суръатлар билан ривожланади, натижада «маскулинлик» ва «фемининлик» индивидуал конструктлари, сифат жиҳатидан янги руҳий ҳосилаларнинг йиғиндиси сифатида жинс концепциясининг вужудга келиши учун асос яратилади. Хусусан, Мен образининг турли элементларига алоқадор, лекин жинс белгилари ёки жинсга мансубликни албатта эсга олиб ўтувчи ўзини тавсифлашдан иборат барқарор сўз бирикмаларидан ҳамма жойда фойдаланиш кабилар болалар билан сўхбатлашиш натижасида аниқланди. Масалан, мен – «*кичкина қиз*» (жинс+ёш), «*чиройли қиз*» (жинс+тана), «*чиройли Камола*» (жинс+исм), «*онасини ҳимоя қилиши керак*», «*ёқимтой ва тартибли бўлиши керак*», «*кучли ва меҳрибон бўлиши лозим*», «*пул ишлаб топиши ва гул ҳадя эта олиши лозим*» (жинс+бурч-ҳуқуқ), «*онасининг қизи, отасининг қизи*» (жинс+социум) каби фикрлар бунга далилдир. Бунда ўғил болаларда жинс бўйича ўзини тавсифлаш кўпроқ бурч-ҳуқуқ тизими билан, шахснинг ижтимоий макони ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ бўлади, қиз болаларда эса шу билан бирга, ўзини англашнинг барча жиҳатлари ва айнан бир хиллик турлари ҳам жалб этилади. Шахснинг ўзини англашда шаклланиш қонуниятлари унинг жиҳатларидан бири сифатида жинсий ўзини англашнинг ривожланишини белгилаб беради - деган тасдиқловчи назарий қоидалар нима тўғри ва нима нотўғри эканлигини тахмин қилишга имкон беради. Демак, жинсий ўзини англашнинг ривожланиш даражасини ўрганиш бизга боланинг бутун ўзини англашнинг ривожланиш даражаси ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради.

Юқоридагидан кўриниб турибдики, агар у ёки бу масала бўйича ота-онанинг қарашларида мувофиқлик бўлса, бу ҳолат боланинг ўзини англаш жараёни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Эр - хотиннинг оилавий

ролларидаги аниқ объектив фарқлар ва уларнинг бола томонидан адекват идрок қилиниши ҳам ижобий омил бўлиб, бу бола онгида ўз “Мен”и тўғрисидаги тасаввурларнинг муваффақиятли шаклланишининг гарови ҳисобланади. Бироқ, охирги йилларда Ўзбекистонда ҳам нуклеар, яъни, ота-она ва битта ёки 2 нафар боладангина иборат бўлган оилалар сони ортган сари ноанъанавий ота-она ва фарзанд муносабатлари шаклланимоқдаки, бу олимларнинг эътирофича, ўзбек оиласидаги **детоцентристик** муносабатларни келтириб чиқармоқда, яъни, ота-онанинг бутун сайёҳ-ҳаракати фақат шу фарзандлар манфаатигагина хизмат қилишга асосланган муносабатлар. Бундан никоҳ жуфтлигидаги ота-оналарнинг тарбия услублари, ҳуқ-атвор шакли, “Ота-она – бола” муносабатлари ҳамда ўзаро муносабатларнинг янгича кўринишини келтириб чиқариши, ва бу ўз навбатида бола шахсининг шаклланишига таъсир қилиши аниқ ҳақиқатдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов.И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч.Тошкент, 2008.
2. Каримова В.М.Ижтимоий психология.Фарғона, 2003
3. Ғозиев.Э.Ғ. Муомала психологияси.ЎзМУ,2001.
4. Нишонова З.Т. «Болалар психологияси» ўқув қўлланма. – Т., 2006 й.
5. Махсудова.М. Мулоқот психологияси.Т, 2006.